

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили” да АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ Тўғрисида

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган кенг қўламли ислохотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш стандартларини кенг жорий қилиш ҳамда халқ манфаатларига йўналтирилган бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 мартдан бошлаб алоҳида

ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан “Ёшлар баланси” асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарларига бириктирилсин. Бунда мазкур раҳбарлар:

ҳар ойда камида бир маротаба ўзларига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳияти-

ни юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, шунингдек, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама қўмаклашиб борсин;

ўзларига бириктирилган ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш учун тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан зарур маблағларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида йўналтиришга рухсат этилсин.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Кун тартиби

ПОЛЬША: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ

Ўтаётган ҳафтада Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация аъзолари амалий ташриф билан Польшада бўлишди.



Дастлаб Варшава шаҳрида ўзбек-поляк иқтисодий форуми ўтказилди. Унда мамлакатлараро ҳамда миллатлараро ҳамкорликнинг шонли тарихи, ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш борасида сўз борди.

Шундан сўнг Зойир Мирзаев Польша Республикаси Мазовия воеводалиги (ҳокимлиги) раҳбари Адам Струзик билан самарали мулоқот ва музокара олиб борди.

Томонлар ўзаро алоқаларни тубдан яхшилаш ҳамда икки томонлама манфаатли таклифлар борасида ҳамфикр эканликларини билдиришди.

Мулоқот якунида Зойир Мирзаев Адам Струзикни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Куннинг иккинчи ярмида делегациямиз аъзолари маҳаллий тадбиркорлар билан бир қатор самарали мулоқот, музокара олиб боришди.

Ўзбек-поляк иқтисодий форумидан сўнг Б2Б, Г2Б форматда икки томонлама музокара ўтказилди.

Ташриф доирасида вилоятимиз ҳоқими Польша Республикасининг Варшава ва Мазовия ҳудудларида тад-

биркорлик фаолияти билан шугулланаётган ватандошларимиз билан очик мулоқот ўтказди.

Унда тадбиркорликни янада ривожлантириш, Ўзбекистон билан иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва бизнес субъектларини қийнаётган бир қатор масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, таклифлар тингланди.

Шунингдек, Зойир Мирзаев Польшанинг машҳур фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Полфарм компанияси раҳбарлари билан учрашди.

Унда Тошкент вилоятида фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги имкониятлар, “Паркент-Фарм” ЭИЗ фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Вилоят раҳбари мезбон томонини кенг миқёсда ҳамкорлик қилишга чақирди. Мазкур таклифга польшалик ишбилармонлар ҳам қизиқиб билдиришди.

Польшадаги музокараларда Тошкент вилояти делегациясига Ўзбекистон Республикасининг Польшадаги факулда ва мухтор элчиси Амирсаид Агзамов, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов ҳамроҳлик қилишди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Сайёр қабул АЙЁРЛАРИ

ёхуд “акасига торшим, синглисига калтаюбка, ўлган бувисига эса...”



6



Вилоят бўйлаб

Жаҳон банкининг халқаро экспертлардан иборат ишчи гуруҳи ОҚҚУРҒОН туманидаги алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун давлат 78-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамда ҚИБРАЙ туманида жойлашган психологик ривожланиш бузилишларига ихтисослаштирилган болалар уйида бўлишди.

Ишчи гуруҳ мактаб-интернат ҳамда болалар уйи тарбияланувчиларига яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

ЧИНОЗ тумани ҳоқими Ш. Салихов “Ёввош” маҳалласида фуқаролар билан сайёр қабул ўтказди. Унда уй-жой, субсидия, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ободонлаштириш, ичимлик суви ва электр таъминоти билан боғлиқ мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилиб, айримлари ечим топиш учун тегишли мутасаддиларга топширилди.

АНГРЕН шаҳрининг Улғубек номли маҳалласида “Шарқ аёли маърифати – маҳаллада” лойиҳаси доирасида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда турли соҳаларда ютуқларга эришган аёллар ўз ҳаётий тажрибаларидан ёшларга сўзлаб беришди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани сектор раҳбарлари тумандаги хусусий корхона вакиллари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни тинглашди. Шунингдек, “Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” дастури бўйича манзилли тавсиялар берилди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳоқими И. Қосимов “Янгийўл” маҳалласи ҳудудидаги “Avangard agro iprex” МЧЖ томонидан 2 гектар майдонда Туркия технологияси асосида ташкил этилган иссиқхона фаолияти билан танишиб, етиштирилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорга етказилиши бўйича таклифлар берди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ЧИРЧИҚДАН Дубайгача



2018 йилдан бери фаолият юритаётган “Чирчиқ мега бизнес” масъулияти чекланган жамиятида асосан жинси матосидан аёллар, эркеклар ва болалар учун турли кийим-кечаклар тикилади. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулот Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Дубайга экспорт қилинмоқда. 3

Эзгулик



Юмшоқ ўйинчоқлар “ёмғири”

Пойтахтимиздаги “Хумо арена” мажмуасида бемор болалар учун хайрия тadbiri ўтказилди. Мактабгача таълим агентлиги ва “Хумо” хоккей клуби ҳамкорлигида ташкил этилган бу галли акцияда юмшоқ ўйинчоқлар “ёмғири” ёғди.

Тadbir аввалида Қозоғистон очик чемпионати доирасида “Хумо” клуби ўз уйида “Актобе” жамоасини қабул қилди. Учрашув якунланган, муҳлису томошабинлар ўзлари билан олиб келган юмшоқ ўйинчоқларни музга иргитишди. 3

Дарвоқе

ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИЙДАН ТАШҚАРИМИ?

Жорий йил 20 февралда Президентимиз раислигида “Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар” юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида, бир қанча муаммолар ва уларнинг ечими борасида сўз борди.

Жумладан: Вояга етмаган қизларни унаштириш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ билан боғлиқ келажак авлод саломатлигига салбий таъсир қилаётган ҳолатларнинг олдини олиш, бунинг оқибатларини тунштириш борасида ишлар лозим даражада олиб борилмаётгани қайд этилди. Кейинги йилларда мамлака-

тимизда оила ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари, аёлларни зўравонлик ва таъйиқдан ҳимоя қилиш тизими анча кучайтирилди. Лекин бундай ҳолатлар ҳали ҳам учраб турибди. Аёллар ва болаларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш бўйича маҳалла даражасида алоҳида тизим яратилиши белгиланди.

Таъйиққа учраган аёллар рестири тузилиб, уларга маҳаллада тезкор комплекс хизмат кўрсатиш тизими жорий қилинади. Ҳар бир туман шифохонасида зўравонликка учраганларга

тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш учун туну кун ишлайдиган хоналар ташкил этилади. Қийин вазиятдаги ёш оналарни қўллаб-қувватлаш учун “Оналар маскани” хизматини йўлга қўйиш топширилди. Давлатимиз раҳбарининг бу масалаларни давлат сийсати даражасида куюниб гапирганида жон бор. Зотан, ҳозирги глобаллашув даврида энг асосий масалалардан бири хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада оширишдир. (Давоми 6-саҳифада) ▶



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ
Қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси, Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) ҳамда ёшлар бириктирилган **вазирлик ва идоралар** белгилансин.

2. Ёшларнинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида **“Беш ташаббус олимпиадаси”** доирасида:

2024 йил 1 мартдан бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси **600 миллион сўм** миқдорда хорижий тиллар (“Ибрат фарзандлари”) бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва **“Заковат” интеллектуал ўйинлари** юқори савияда ташкил этилсин;

Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан **касблар танловида** голиб бўлган ёшларни ўз ҳудудларида жиҳозланган устaxonалар билан “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) белгилансин.

3. Ёшлар ишлари агентлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофазда қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг экология, соғлом турмушни тарғиб қилиш каби ижтимоий аҳамиятга мولлик **100 та волонтерлик лойиҳалари** бўйича биринчи босқичда базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 бараваригача** маблағни танлов асосида ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида:

а) **оилавий тадбиркорлик дастури** доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида **40 фоизи** ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилсин;

б) **2024 йил 1 июндан бошлаб** қуйидагиларни назарда тутувчи **“Ёш тадбиркор” танловларини** ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин:

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан танлов асосида **“маҳалла – туман – вилоят – республика” босқичларида** ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва гоғларни сараланади. Бунда, **ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва гоғларига** алоҳида эътибор қаратилади;

республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 000 бараваригача** миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилади; голиб бўлган бизнес лойиҳа ва гоғлар эгалари Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан **хорижий давлатларга малака оширишга** юборилади.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев), **Савдо-саноат палатаси** (Д.Вахабов) ва **Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси** белгилансин.

5. **2024 йил 1 мартдан бошлаб** “Ҳар бир маҳаллада икки нафар дастурчи” дастури жорий этилсин.

Бунда, ушбу дастур доирасида: маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида **ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар** аниқланиб, уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда **сертификатлар олишини ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида** маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигининг **махсус ахборот тизимига** киритиб бориш амалиёти жорий қилиниши;

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизимига киритилган ёшларни **IT соҳасида** фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари қўрилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** (К.Куранбаев), **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев), **Рақамли технологиялар вазирлиги** (Ш.Шерматов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

6. **2024 йил 1 мартдан бошлаб:** “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини ёшларни **чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш мақсадларига йўналтириш** амалиёти йўлга қўйилсин; ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича **“Устоз” махсус платформаси** ишга туширилсин ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали **250 минг нафар ёшлар камраб олиниши** таъминлансин;

ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун **“Қизлар академияси” платформаси** ишга туширилсин ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун **турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар** ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Б.Мусаев), **Оила ва хотин-қизлар кўмитаси** (О.Парпиева) ва **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) белгилансин.

7. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида **бизнес учун** янада қулай шароитларни яратиш мақсадида **“Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури”** доирасида **2024 йил якунига қадар:**

комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали **2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш;**

янги иш ўринларини яратиш орқали **5 миллион аҳолининг бандлигини** таъминлаш учун зарур шароитлар яратилсин;

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Бош вазир ўринбосари – Ж.Кўчқоров** белгилансин.

8. **2024 йил 1 июндан бошлаб** нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга:

халқаро стандартларни жорий этиш ва экологик сертификатлаш харажатларини қоплаб бериш тартиби жорий қилинсин;

уч йил давомида нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўлган **барча хом ашёлар** маҳаллийлаштириш даражасини **камида 60 фоизга** етказиш шарти билан **божхона божидан озод** этилсин;

нуфузли халқаро брендлардан жалб қилинган **технолог, дизайнер, маркетинг каби мутахассислардан** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганлиги учун **тўловлар ундирилиши** бекор қилинсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Савдо-саноат палатаси** (Д.Вахабов) ҳамда **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (Л.Қудратов) белгилансин.

9. **2024 йил 1 майдан бошлаб** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун **янги мажбурий тўловлар ва йиғимларни фақатгина қонунда белгиланган амалиёти** киритилсин.

10. Кенг жамоатчилик билан муҳокамаalarda билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини** “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) доирасида қуйидагилар:

2024 йилга мўлжалланган йўналишлар кесимидаги амалий тадбирлар режалари 1–5-иловаларга мувофиқ;

2024 йилда йўналишлар кесимида ишлаб чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатлари 6–10-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, йўналишлар кесимида **2024 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. **Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар** яратиш йўналиши доирасида 2024 йилда:

Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг билимлари **баҳолаш тизими** қўшимча **1 000 та умумий ўрта таълим муассасаларида** жорий қилиниб, фанлардаги амалий машғулотлар улуши **60 фоизгача** оширилсин;

6,7 миллион нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида **юрак-қон томир, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари** хавфини аниқлаш бўйича профилактик кўриқлар ташкил этилсин;

7,5 минг нафар ёшлар замонавий касбларга ўқитилиши, халқаро имтиҳон тизимларида **чет тиллари** бўйича юқори балл олган **6 минг нафар ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилиши таъминлансин;**

10 миллион нафар аҳолини югуриш, футбол, волейбол, стол теннис, шахмат, миллий ва белбоғли кураш каби спорт турлари бўйича марафон ва мусобақаларни ташкил этиш орқали **оммавий спортга жалб қилиш** чоралари кўрилсин;

2024 йилда Париж шаҳрида ўтказиладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш учун **камида 140 та лицензияни кўлга киритиш** мақсадида **15 та** олимпия ва параолимпия марказида ҳамда Тошкент шаҳри, Андижон ва Тошкент вилоятларидаги **14 та спорт базасида** барча зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишлича **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Х.Умарова), **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (А.Худаяров), **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Б.Мусаев), **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев), **Спорт вазирлиги** (А.Икрамов), **Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси** (О.Касимов), **Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси** (М.Ташходжаев) белгилансин.

12. Қуйидагилар:

а) **2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 тадан туманида (шаҳрида) синов тариқасида **“Менинг мактабим”** лойиҳаси амалга оширилсин ҳамда бунинг доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактабларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **150 баробарида** маблағ ажратилиб, ушбу маблағ 5–11-синф ўқувчилари танловига кўра, **электрон доска, компьютер, спорт жиҳозлари, китоблар** каби мактаблар учун зарур товарларга сарфланиши белгилансин;

умумий ўрта таълим муассасалари **директорларини менежерлик бўйича сертификациялаш** тизими жорий этилсин. Бунда, **директорларга малакавий талаблар аниқ белгиланиб**, улар ҳар беш йилда **бир мартаба аттестациядан** ўтказилсин.

б) **2025 йил 1 январдан бошлаб** Мактабгача ва мак-

таб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида **она тили ва адабиёт** ҳамда **тарих** фанлари бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида олинган тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган ва ушбу фанлардан **дарс берувчи педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорид**а ҳар ойлик қўшимча устама тўлашни белгилансин;

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Х.Умарова) белгилансин.

13. **2024 йил 1 сентябрдан бошлаб** Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тариқасида **умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиган ўқувчилар учун аутсорсинг асосида** бепул автобуслар қатновни йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Қашқадарё вилояти ҳокимлиги** (М.Азимов) ва **Сурхондарё вилояти ҳокимлиги** (У.Қосимов) белгилансин.

14. **2024 йил якунига қадар** эҳтиёждан келиб чиқиб, вилоятлар марказлари, шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарларида камида биттадан **оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлари** бор беморларга **паллиатив ёрдам** кўрсатувчи **хоспислар** ташкил этилсин.

Бунда, хосписларни ташкил этиш, уларнинг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш ва фаолиятига доимий кўмаклашиш лойиҳалари учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан **грантлар эълон қилиб бориш амалиёти** йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси**, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров):

а) **2024 йил 1 майга қадар:** 2025 йилдан бошлаб катта ёшдаги аҳоли орасида **юқумли бўлмаган касалликлар хавфи омилларининг тарқалганлигини** ўрганиш;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб ўтказиладиган мактаб ўқувчилари орасида **тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг тарқалганлик** ҳамда уларнинг **психологик ҳолатини ўрганиш** бўйича режани белгилансин;

б) **2024 йил 1 декабрга қадар** Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини **17 тадан 24 тага** етказиш ва бунинг доирасида фуқароларнинг **онкологик, кардиологик ва эндокринологик скринингдан** ўтиши натижаси, уларни даволаш учун ажратиладиган пуллар тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратсин.

16. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни **замонавий протез-ортопедия** мосламалари ва **реабилитация қилиш техника воситалари** билан таъминлашнинг янги тизими босқичма-босқич жорий қилинсин;

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсия тайинлашда бир вақтнинг ўзида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пулни олиш билан боғлиқ харажатларни **проактив тарзда амалга ошириш**, ногиронлигини белгилашда эса, ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган **имтиёзлар тўғрисида хабардор қилиш** тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 декабрдан бошлаб ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида тегишли йўналишдаги **нодавлат ташкилотлар орқали** Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ҳисобидан **ижтимоий хизматлар кўрсатиш** амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги** (М.Оллоёров) ҳамда **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (О.Фозилқаримов) белгилансин.

17. **Оғир атлетика бўйича миллий спорт мактабининг халқаро нуфузини** ошириш мақсадида 2024 йилда оғир атлетика бўйича барча ёш тоифасидаги спортчилар билан **индивидуал ишлаш** тизимини яратиш ҳамда уларни **профессионал тайёргарлигини** ташкил этиш учун Чирчиқ шаҳрида **Оғир атлетика маркази** ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Спорт вазирлиги** (А.Икрамов), **Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси** (О.Касимов) белгилансин.

18. **Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш** йўналиши доирасида: ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати **6 фоиздан кам бўлмаган** даражада бўлишини, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида **30 фоиз бўлишини таъминлаш** чоралари кўрилсин;

иқтисодиёт тармоқларида қиймати **18 миллиард доллар** бўлган **309 та йирик лойиҳалар** ишга туширилсин;

йиллик инфляция даражаси **9** фоизгача ва **фискал тақчиллик 4** фоизгача бўлиши таъминлансин, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги кўрсаткичларини пайсатириш чоралари кўрилсин;

иқтисодиёт тармоқларида **275 триллион сўм кредит ресурсларини** йўналтириш, шу жумладан, **41 трилли-**

он сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилиши таъминлансин;

банклар томонидан тақдим этиладиган **кредит ставкаларини бозор механизмлари асосида 2–3 фоиз бандга пасайтириш** учун зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Бош вазир ўринбосари – Ж.Кўчқоров** ва **Марказий банк** (М.Нурмуратов) белгилансин.

19. **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** давлат инвестиция дастурлари доирасида марказлашган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган йирик лойиҳаларга **саноат кооперацияси талаблари жорий этилсин.**

Бунда, лойиҳалар доирасида маҳаллий корхоналарда **зарур маҳсулотларни ўзлаштириш ва харид қилиш тавсия этиладиган маҳсулотлар** рўйхати, маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш режаси ва **уларга қўйиладиган талаблар** назарда тутилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (Л.Қудратов) ва **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (Б.Ходжаев) белгилансин.

20. Республикада **“Яшил иқтисодиёт”га** ўтиш учун қулай шароитларни яратиш ва **“Яшил энергия”** манбалари салмоқини ошириш мақсадида:

а) **2024 йил 1 апрелга қадар:**

“Яшил энергия” сертификатлари айланмаси бозор тамойиллари асосида йўлга қўйилиши таъминлансин;

халқаро иссиқхона гази савдоси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш тартиби тасдиқлансин;

б) **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот бериш ва текширишнинг замонавий тизими (MRV) ва маълумотлар базаси босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

в) **2024 йил якунига қадар** хорижий инвесторлар иштирокида **Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Навоий** вилоятларида умумий қуввати **2 700 МВт** бўлган **6 та йирик қуёш электр станциялари**ни ишга тушириш таъминлансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (И.Норқулов) ва **Энергетика вазирлиги** (Ж.Мирзамахмудов) белгилансин.

21. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов) **бир ой** муддатда:

уч ойдан ортиқ муддат мобайнида очиқ савдоларда сотилмаган **давлат активларининг бошланғич баҳосини 50 фоизгача босқичма-босқич пасайтириш**; ер участкалари олти ой давомида сотилмаганда **тўловнинг 15 фоизини уч ой муддатда, қолган қисмини 10 йил муддатда бўлиб тўлаш** имкониятини яратиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

22. **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** чегара божхона постларида **мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини расмийлаштириш бўйича қарантин, санитария-эпидемиология осойишталик ва ветеринария соҳаларидаги** назорат функциялари божхона хизмати органларига ўтказилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Божхона кўмитаси** (А.Мавлонов) белгилансин.

23. **Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида** очилкик даражасини кескин ошириш ва **корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш** мақсадида **2024 йил 1 июндан бошлаб** давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик солиқ тўловчилар **корпоратив ижтимоий масъулият (CSR)** ҳамда **экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG)** ҳолати тўғрисида ҳар йили 1 июлга қадар ҳисоботни **жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти** йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (Б.Ходжаев) ва **Давлат активларини бошқариш агентлиги** (А.Ортиқов) белгилансин.

24. **Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни** қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажминини кўпайтириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 октябрдаги “Рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариши янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5262-сон қарорида** назарда тутилган **маҳсулотларга импорт божхона божининг ноль ставкасини қўллаш** муддати **2027 йил 1 январга қадар** узайтирилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (А.Я.Хайдаров) ва **Божхона кўмитаси** (А.Мавлонов) белгилансин.

25. **Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофазда қилиш йўналиши** доирасида:

2024 йилда **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси** доирасида камида **200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатларини, қаламчаларини** экиш, республикада **444 та яшил боғлар барпо** этиш;

2024

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ
Қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

а) 2024 йил 1 мартдан бошлаб: худудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва атмосфера ҳавосида майда дисперс заррачалари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини огоҳлантириш, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган ҳамда соғлиги ҳавонинг ифлосланишига таъсирчанлиги юқори бўлган бошқа фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

ўлчами 500 метр квадрат ва ундан ортқ бўлган қурилиш майдонларида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилсин;

Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўла вази 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоифага кирувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати тигиз вақт оралиқларида таққилансин. Бунда, ушбу чекловлар махсус хизмат, шу жумладан, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юк транспорти воситаларига татбиқ этилмаслиги белгилансин;

б) 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида “ЕВРО – 5” ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомашиналар эксплуатацияси босқичма-босқич чеклансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишчан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов) ва Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) белгилансин.

27. Кенг жамоатчилик вакиллари ва экофаолларнинг экологияга автомобиллар чиқинди газларининг зарарли таъсирини камайтириш учун Тошкент шаҳрида ҳар ойнинг бир иш куни давомида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, махсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, биноси Тошкент шаҳрида жойлашган барча республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва бошқа ходимлари жамоат транспортда иш жойига келиши орқали намуна кўрсатиб борсин.

(Давоми. Бошланиши 1-2-саҳифаларда)

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ш.Умурзаков) белгилансин.

28. Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида 2024 йил 1 майга қадар:

адашган ёшларни жамиятга интеграция қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш мақсадида Ёшлар иттифоқи қафиллиги асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёшларни пробация ҳисобидан чиқариш амалиёти жорий этилсин ва уларни профилактик ҳисобга олиш асослари кескин қисқартирилсин;

йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ҳолати юзасидан юбориладиган қарор ва хабарномалар бўйича Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон мурожаат қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) белгилансин.

29. Маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги таянч бўлини айланттириш мақсадида:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” доирасидаги лойиҳаларни ташаббускорлар, маҳалла раиси ва фаолларининг иш сифати юзасидан розилиги олингандан кейингина фойдаланишга қабул қилиш тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 августга қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига “Ташаббусли бюджет” доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотлар олиш, маблагларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини талаб қилиш ҳамда лойиҳалар амалга оширилишини жамоатчилик томонидан мониторинг қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодий ва молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев) белгилансин.

30. Иқтисодий ва молия вазирлиги Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳамда амалга оширилган ва режалаштирилаётган харажатлар бўйича молиявий ҳужжатларга асосланган йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларни аҳоли

эйтиборига тушуниш учун осон усулда ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

31. “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналиши бўйича Қуролли Кучлар, соҳага масъул бошқа вазирлик ва идораларнинг киберхавфсизлик ҳамда эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича салоҳиятини кескин ошириш мақсадида:

киберхавфсизлик инфратузилмасининг муҳим элементлари ҳисобланувчи ахборот тизимлари аттестацияси ва экспортisasi учун ҳар бир вазирлик ва идорада масъул шахслар жавобгарлиги белгилансин; мазкур йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва ўқитиш методикаларини замонавий таҳдид ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш чоралари кўриб борилсин; мамлакатимизнинг рақамли ва ҳарбий-тиббий инфратузилмасини такомиллаштириш, масъул идораларни замонавий техника ва тиббиёт аппаратуралари билан босқичма-босқич таъминлаш дастури амалга оширилсин;

фуқаролар шахсий маълумотларининг ҳимоясини кафолатли таъминлаш бўйича, шунингдек, банк ва тўлов тизимлари учун фирибгарликка қарши ва замонавий биометрик тизимлар жорий этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбанов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) ва Марказий банк (Н.Саъдуллаев) белгилансин.

32. Қуйидагилар:

Стратегик ислохотлар агентлиги Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси билан биргаликда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида йўналишлар бўйича амалий тадбирлар режалари бажарилишини, мақсадли кўрсаткичларга эришилишини ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини тизимли мониторинг қилиб борсин;

“Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юсалиш” ҳаракати Давлат дастурининг амалга оширилишини, шу жумладан, жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда танқидий ўрганиб борсин ва натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

Давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юсалиш” ҳаракатининг мазкур

банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиб борсин.

33. Вазирлар Маҳкамаси: ҳар ой якуни бўйича Давлат дастури ижроси юзасидан маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин;

ҳар чорак якуни бўйича Давлат дастурида юқлатилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати йиғилишида муҳокама қилиб борсин;

ҳар ярим йилда Давлат дастури ижроси юзасидан ҳисоботларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиб борсин.

34. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурбаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш натижалари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунирилишини;

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотлар аҳолига тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

35. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 февраль

Юлшоқ ўйинчоқлар
“ёмғири”



Тушган барча маблаг ва ўйинчоқлар мактабгача таълим ташкилотларининг кам таъминланган, имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган тарбияланувчилари ва оғир тиббий ташхиси бор болажонларни даволашга йўналтирилади.

– Мазкур хайрия акцияси иккинчи бор ўтказилмоқда, – дейди Мактабгача таълим агентлиги матбуот хизмати раҳбари Мавлуда Асқархўжаева. – Ўтган йили йиғилган маблаг ва ўйинчоқларни Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган болаларга тарқатган эдик. Бу йил пойтахт вилоятини танладик. Акциядан тушган 1 минг 300 та ўйинчоқнинг мингтагини қибрайлик ва чирчиқлик болажонларга, 300 тасини қорақалпоғистонлик кичкинтойларга юбор-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



– Корхонамизда тайёр жинси матоси бўяш, очартириш, ювиш жараёнларидан сўнг, керакли фасонда бичилиб, тикилади, – дейди корхона раҳбари Мадина Муротова. – Дастлабки йилда

38 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришган бўлсак, 2023 йилда бу кўрсаткич 750 минг долларни ташкил этди. Бу эса маҳсулотларимизга талаб йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.

Корхона қошида боғча ҳам очилган экан. Сабаби, ишчиларнинг 95 фоизини аёллар ташкил этади. Шуни ҳисобга олган корхона раҳбари аёллар фарзандларидан хавотир олмай, бемалол ишлашлари

учун шароит яратиб берибди. Боғчада 1 ярим ёшдан 4 ёшгача бўлган болалар малакали тарбиячилар назоратида бўлади. Эътиборлиси, боғча мутлақо бепул. Ишчилар нафақат Чирчиқдан, балки Бўстонлик, Паркент туманларидан ҳам келишларини инобатга олсак, бу оналар учун аини мудоао бўлгани аниқ. Қолаверса, бу ташаббус иш унумдорлигини ҳам оширади.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНАЛАР
Уларнинг афзаллиги нимада?

Сўнгги йилларда юртимизда ҳар қандай об-ҳаво шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб иситилмайдиган иссиқхоналар кўпайтирилмоқда. Мақсад – табиий газ ва электр энергияни тежаш, кўмир ёки бошқа ёқилгилардан атмосферага чиқаётган зарарли ис газлари миқдорини камайтириш ҳамда маҳсулот нархини арзонлаштиришдир.

ИМКОНИЯТ

Янгийўл туманининг Саид ота маҳалласида фаолият юритаётган “Янгийўл – марказий томорқа хизмати” МЧЖга ажратилган 20 гектар ер майдонида жойлашган иссиқхоналар бу борада анча илғор.

– Бугунги кунда мана шундай иссиқхоналарни кўпайтириш, халқимизнинг қизиқишларини янада ошириш мақсадида 3 минг нафар Тошкент вилоятлик томорқачи аёллар ўқитилляпти, – дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенга-


ши бўлим бошлиғи Хурсаной Исломова. – Масалан, кулпунайни парваришлаш, кўпайтириш, кўчат олиш, ҳосилдорликни ошириш усуллари ўргатилляпти. Вилоятнинг турли туманларидан 200-300 нафар опа-сингилларимиз қизиқиш билан келишмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга 50-100 туп кулпунай кўчати берилляпти. Экишга ёрдамлашиб, икки, уч марта ҳо-

сил олиш усуллари ўргатилляпти.

Худудда салкам 4 гектар майдонда 39 та иссиқхона қурилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб келинмоқда. Шундан, Хитой технологияси асосида 10 та кўрпалли иссиқхона қурилган бўлиб, экин майдони 10 сотихдан

иборат. Бундан ташқари, 9 сотихдан Қорей ва маҳаллий типдаги 30 дан зиёд иссиқхоналар аҳолига ижара асосида фойдаланишга берилган. Соҳа мутасаддиларидан олинган маълумотларга қўра, республика бўйича жами 200 мингта ана шундай иссиқхоналар барпо этилади, шундан 200 таси Тошкент вилояти ҳудудида қурилади.

Санжар ТОШПҮЛАТОВ,
ЎЗА



■ **Семинар**

“Ўзмилийбанк” АЖ Тошкент вилояти Бош бошқармасида “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш” мавзусида семинар бўлиб ўтди.



БАРАКАНИНГ БОШИ — ҲАЛОЛЛИК

Унда Бош бошқарма ва унинг тасарруфидаги банк хизматлари маркази ходимлари иштирок этишди.

Семинарда сўз олган Тошкент вилояти ИИББ Коррупция ва иқтисодий жиноятчилик қарши курашиш бўлими ходими О. Муҳаммадов олиб борилаётган ишлардан кузланган асосий мақсад ходимларда коррупцияга, унинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ҳолатларини эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, жамиятда коррупцион хавф-хатарларни камайти-

риш, турли талон-торожликлар билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган назорат-профилактика тадбирлари тўғрисида маълумот берилди.

Семинарда қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларда коррупциявий ҳаракатларга қарши тушунчаларни шакллантириш зарурлиги таъкидланиб, лавозим йўриқномаси вазибаларини виждонан ва сидқидан бажариш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Зокир ПУЛАТОВ,
“Ўзмилийбанк” АЖ Тошкент вилояти Бош бошқармаси мутахассиси

■ **Сарҳисоб**

Маълумки, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича комиссиянинг қарорига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат грантлари ажратиб келинади.

Хусусан, 2022 йил – “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастури ижроси таъминлашда ННТлар иштироки” мавзусида биринчи танловда 8 та йўналиш бўйича жами 340 миллион сўмлик эълон берилди. Танловга 14 та ташкилотдан лойиҳалар келган ва улардан 8 таси ғолиб деб топилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон, мустақиллигинг абадий бўлсин!” мавзусида 8 та йўналиш бўйича жами 320 миллион сўмлик эълон

Эзгу ташаббуслар рўёби

берилди. Танловга келиб тушган 10 та лойиҳадан 8 таси ғолиб бўлди.

“Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг таълим-тарбияси ва миллий ҳамжиҳатлик” мавзусида 8 та йўналиш бўйича 340 миллион сўмлик эълон берилди. Танловда 9 та ташкилотдан топширилган лойиҳаларнинг 8 таси ғолиб деб топилди, маблағлар молиялаштирилди.

Белгиланган лойиҳалар давомида нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан аҳоли, кексалар, ўзгалар қаровига муҳтож ёлғиз қариялар, ногиронлар ва ёшлар ўртасида 160 дан ортиқ давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ташкил этилди. Тадбирларда эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, ёшлар ва воёга етмаганларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар ўртасида назоратсизлик ва қаровсизлик, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тушунтиришлар олиб борилди.

Лойиҳа мавзусига кўра, 11 миллион 600 минг сўмлик 6 та банер, 39,5 миллион сўмлик 300 дан ортиқ ўқув-тарғибот, тарқатма материаллар ва мақолалар чоп этилди. Ҳамда 9 миллион сўмлик 543 донга китоб сотиб олинди, 36 миллион 300 минг сўмлик 1 минг 320 донга китоб ва турли хилдаги қўлланмалар чоп этилди.

Тадбирларда фойдаланиш мақсадида Миллий маданият марказлар томонида 24 миллион 700 минг сўмлик либослар, миллий чолғу асбоблари ҳамда сувенирлар, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида 28 миллион 650 минг сўмлик анжомлар, 19 миллион сўмлик ногиронлик аравачаси ва протез-ортопедия маҳсулотлари, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш учун 57 миллион 250 минг сўмлик 10 донга тикув машинаси, 33 миллион 300 минг сўмлик 5 донга оверлок ва бошқа керакли ускуналар сотиб олинди. Ташкил этилган ўқув курсларида ҳозирги кунгача 450 нафардан

ортиқ хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилди.

Кам таъминланган, ўзгалар қаровига муҳтож кексалар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ва эҳтиёжманд оилалардан 325 нафардан ортигига 70 миллион 411 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Давлат гранти лойиҳаларининг ижроси давомида 1 та волейбол ва баскетболга мўлжалланган спорт майдончаси, 5 та тикувчилик тўрагаи ва 1 та кутубхона ташкил этилди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу тўрақлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Хулоса ўрнида, жамоат фонди томонидан 2022 йилда эълон қилинган давлат грантлари бўйича ажратилган 1 миллиард сўм маблағдан 957 миллион 745 минг 235 сўми мақсадли лойиҳаларга сарфланди, 42 миллион 254 минг 765 сўм маблағ ишлатилмаганлиги сабабли фонд ҳисоб рақамига қайтарилди.

Камолиддин КАРИМОВ,
Жамоат фонди директори

Тошкент вилояти ҳоқимининг Қ А Р О Р И

Тошкент вилоятида давлат кўчмас мулкидан 2024 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 660-сонли қарори асосида, вилоят ҳудудидаги бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда қутилаётган харажатлар билан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 31 декабрдаги 01/25-18/1119-сон ҳамда Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг 2023 йил 31 декабрдаги 25/4-2-сон рўйхатга олиниб, биргаликда келишилган давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларининг ҳисоб-китоблари инobatга олинсин.
2. Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2024 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг 1 кв.м учун энг кам ставкалари 1-иловага ҳамда ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффицентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейжинг алоқа антенналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланиши тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳудудий бошқармалар, шаҳар ва туман ҳоқимлик-

лари билан биргаликда ҳар чорак якуни билан ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-санасигача давлат мулкни балансида сақловчи ташкилотлар томонидан фойдаланилмасдан бўш турган ёки мақсадсиз, самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, умумий фойдаланишда бўлмаган балансидаги ерлар) ҳақида тўлиқ ва ўз вақтида Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармасига белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этилиши устидан идоравий назоратни таъминлансин.

Давлат мулкни балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари хўжалик йили чорагида камида бир марта, ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкни хатловдан ўтказган ҳолда фойдаланилмаётган давлат мулки, шунингдек, ижарага берилаётган мол-мулкнинг “тикланиш қиймати” тўғрисидаги маълумотларни Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тақдим этишлари учун шахсан жавобгар эканлиги белгилансин ва давлат мулкни ижара шартномаси тузмасдан ижара-

га бериши, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижаси ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси:

давлат мулкни ижарага беришни ташкил этиш;

ижарага берилаётган давлат мулкни ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижарага бериладиган объектлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкни ҳар чораклик асосида хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5666-сонли Фармонида асосан ижарага берилаётган давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар “E-auction” электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилиши белгиланганлиги инobatга олинсин;

вилоят ҳудудида фойдаланилмаётган, бўш турган бинолар ва иншоотларни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмо-

ний шахсларга белгиланган тартибда ижарага бериш вазибалари юклатилсин.

6. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Ж.Ахроров):

жорий йил 15 февралга қадар Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармасига вилоят ҳудудида мавжуд давлат мулки объектларининг йўл-мақсад ҳужжатларини электрон ҳолатда тақдим этиш;

доимий равишда ҳар чорак якуни билан кейинги ойднинг 5-санасига қадар мавжуд давлат мулки объектларининг йўл-мақсад ҳужжатларига ўзгартириш киритилганлиги (янгиланганлиги) тўғрисидаги ҳужжатларни электрон ҳолатда тақдим этиб борсин.

7. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов), шаҳар ва туман ҳоқимликлари, ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулкни ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкни балансида сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

8. Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Тошкент вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, Тошкент вилояти Маданий мерос

бошқармаси, Тошкент вилояти маданият бошқармаси (бўлинмалари) балансидаги бўш турган биноларнинг кадастр ҳужжатлари ҳамда маълумотларини Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармасига бир ҳафта муддатда тақдим этилиши таъминлансин.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси (С.Жумаев) мазкур қарор ижроси юзасидан аниқланган алоҳида бўш турган бинолардан самарали фойдаланишни (сотилиш, ижарага бериш ва бошқалар) назарда тутувчи тақлифларни ишлаб чиқиб, маълумотларни ўн кун муддатда вилоят ҳоқимлигига киритсин.

9. Вилоят ҳудудида 2024 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг “ноль” ставкаси белгилансин.

10. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент вилояти ҳоқимининг 2023 йил 20 январдаги 25-10-0-Қ/23-сонли “Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2023 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2023 йил 9 мартдаги 96-10-0-Қ/23-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарор “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳоқимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳоқимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Н.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Тошкент вилояти ҳоқими

2024 йил 12 февраль

З. МИРЗАЕВ

Тошкент вилояти ҳоқимининг 2024 йил 12 февралдаги 75-10-0-Қ/24-сонли қарорига 1-илова

Тошкент вилояти маъмурий марказлари ҳудудида ҳамда маъмурий марказларидан ташқари ҳудудларида жойлашган давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2024 йилда 1 кв.метр учун қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари (иқтисодий соҳалар ва тармоқлар бўйича)

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсади	Вилоят маркази Нурафшон шаҳри учун 2024 йилда 1 кв.м. майдон учун йиллик энг кам ижара тўлови ставкалари (ҚҚС билан бирга)	Вилоятнинг туман ва шаҳарлари учун 2024 йилда 1 кв.м. майдон учун йиллик энг кам ижара тўлови ставкалари (ҚҚС билан бирга)
1	Ёқилғи ишлаб чиқариш	13 800	9 740
2	Кимёвий ишлаб чиқариш (ўғит маҳсулотлари)	13 800	9 740
3	Нефть-кимё sanoati	13 800	9 740

4	Машинасозлик ва асбобсозлик sanoati	13 800	9 740
5	Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш	13 800	9 740
6	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	11 250	8 060
7	Енгил ва озиқ-овқат sanoati машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар sanoati	13 800	8 060
8	Санитария, газ ускуналари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш	13 800	9 740
9	Металл конструкциялар ва маҳсулотлар sanoati	13 800	9 740
10	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	13 800	9 740
11	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	13 800	9 740

12	Ичимликлар ишлаб чиқариш	13 800	9 740
13	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	13 800	9 740
14	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	13 800	9 740
15	Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	43 730	31 690
ҚУРИЛИШ SANOATI			
16	Қурилиш, йўл ва коммунал муҳандислик	11 250	8 060
17	Дераза, эшиклар ва мебель ишлаб чиқариш sanoati (ёғочдан)	41 640	29 790
18	Дераза, эшик ва мебельлар ишлаб чиқариш (пластик, алюмин ва МДФдан)	73 080	41 770

4

19	Лойиха, лойиха-қидирув ташкилотлари	13 800	9 740
20	Шлакоблок ишлаб чиқариш	13 450	9 740
21	Полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш	43 730	31 690
22	Бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	30 970	22 450
ЎРМОН, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ			
23	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	13 800	9 740
24	Ёғочни қайта ишлаш саноати	13 800	9 740
25	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати	13 800	9 740
ЕНГИЛ САНОАТ			
26	Тўқимачилик саноати	13 800	9 740
27	Тикувчилик саноати	13 800	9 740
28	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати	13 800	9 740
29	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари	13 800	9 740
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ			
30	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	13 800	9 740
31	Гўшт маҳсулотлари саноати	13 800	9 740
32	Сут маҳсулотлари саноати	27 020	19 480
33	Балиқ маҳсулотлари саноати	13 800	9 740
34	Тегирмончилик саноати	13 800	9 740
35	Комбикорм (омухта ем) саноати	11 250	8 060
36	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	13 800	9 740
37	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	13 800	9 740
САНОАТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ			
38	Тиббиёт саноати	13 800	9 740
39	Полиграфия саноати	33 870	28 000
40	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш	16 930	11 870
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
41	Ўсимликшунослик 1 гектар ер майдони учун	5 565 680	3 986 190
42	Иссиқхона хўжалиги	10 440	8 960
43	Чорвачилик ва паррандачилик	6 610	4 810
44	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гектар учун	5 565 680	3 986 190
45	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	3 618 040	2 591 230
46	Ветеринария хизматлари	13 800	9 740
47	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	13 800	9 740
48	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 гектар ер майдони учун	5 565 680	3 986 190
ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА			
49	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	13 800	9 740
50	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари)	3 480	2 680
51	Автомобилларни ювиш	44 660	28 110
52	Автомобилларга ёқилги қуйиш (бензин, дизель)	44 660	36 280
53	Автомобилларга ёқилги қуйиш (газ қуйиш шахобчалари)	54 280	39 310
54	Электромобилларни қувватлаш шахобчаси	23 660	17 136
55	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	25 080	18 140
56	Почта алоқаси	13 800	9 744
57	Курьерлик алоқаси	27 840	19 820
58	Электр-симли алоқа	27 840	19 820
59	Радио, уяли алоқа ва пейжер алоқаси (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуд доирасида)	116 920	83 770
САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ			
60	Улгуржи савдо	38 970	28 000
61	Маҳсулотларни (хизматларни) қисиллаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари	100 100	71 560

62	Чакана савдо	38 970	28 000
63	Умумий овқатланиш	38 970	28 000
64	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари	61 010	43 790
65	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шахобчалари	53 470	38 300
66	Сув ҳавзалари (сув омборлари) ҳамда дарё бўйларида балиқ маҳсулотлари, шу жумладан, балиқ таомлари савдоси, умумий овқатланишни ташкил этиш*	38 970	28 000
67	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	61 010	40 430
68	Китоб дўконлари	5 450	4 030
69	Ломбардлар	50 340	36 060
ХИЗМАТ КўРСАТИШ			
70	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	38 970	28 000
71	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш (нусха кўчириш хизмати)	38 970	28 000
72	Компьютер ўйинларини ташкил этиш	58 460	42 000
73	Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар	38 970	28 000
74	Реклама, кўргазмалар хизматлари	38 970	28 000
75	Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	69 600	49 616
76	Меҳмонхона хўжалиги	44 540	31 800
77	Умумий яшаш жойлари	34 680	24 300
78	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	22 410	15 970
79	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устaxonаси	33 520	24 300
80	Ҳаммомлар	67 040	47 930
81	Сауна ва бассейнлар	133 630	95 760
82	Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари	22 380	15 900
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ			
83	Соғлиқни сақлаш	27 840	19 820
84	Тиббий диагностика хизмати (шу жумладан лаборатория)	51 270	37 180
85	Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш	27 840	19 820
86	Фитобар	19 250	13 770
87	Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	44 540	31 800
88	Сув бўйида пляж зоналарини ташкил этиш*	27 840	19 820
89	Балиқ овлаш масканлари*	27 840	19 820
90	Қайиқда сузиш ва сув саёҳати бўйича бошқа хизматлар кўрсатиш*	27 840	19 820
91	Сув ҳавзалари (сув омборлари) ҳамда дарё бўйларида туризм хизматларини ташкил этиш*	27 840	19 820
92	Жисмоний тарбия ва спорт	13 800	9 740
93	Дорихоналар	22 380	15 900
94	Оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари	46 860	25 200
95	Ижтимоий дорихоналар	19 830	12 880
ТАЪЛИМ			
96	Олий ва ўрта-маҳсус маълумотли кадрларни тайёрлаш	22 410	15 900
97	Ўқув курсларини ташкил этиш (IT курслари)	45 930	33 260
98	Ишчи ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	17 470	13 000
99	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	11 250	8 110

100	Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида умумий овқатланиш	27 140	19 600
101	Умумий ўрта таълим мактабларида умумий овқатланиш	13 800	9 740
102	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	9 860	7 390
103	Маданият ва санъат	38 970	28 000
104	Кўргазмалар	30 040	22 510
105	Маданият ва дам олиш боғлари	27 840	19 820
106	Ботаника боғлари ва зоопарклар	27 840	19 820
107	Телевидение ва радиоэшиттиришлар редакциялари	27 840	19 820
108	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	44 540	31 810
109	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	16 930	11 870
110	Автомактаблар	24 700	14 110
МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ			
111	Молия, кредит ва пенсия таъминоти (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятдан ташқари)	38 970	28 000
112	Аудиторлик фаолияти	38 970	26 200
113	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар	38 970	28 000
114	Банк фаолияти	38 970	28 000
ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ			
115	Суғурта ва нотариал хизматлар	38 970	28 000
116	Суд ва юридик хизмат муассасалари	33 520	24 300
117	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	33 520	24 300
118	Жамоатчилик бирлашмалари	11 250	7 840
119	Омборхоналар	38 970	28 000
120	Давлат ташкилотларига офис	16 930	11 870
121	Хусусий ташкилотларга офис	61 010	43 790
122	Архив хизмати	16 930	9 960
123	Тахририят ва нашриётлар	22 380	15 900
124	Металлолом ва иккиламчи қоғоз (патта) маҳсулотларини тўплаш жойлари	22 380	15 900
125	Тураржой-коммунал хўжаликлари	22 380	15 900
126	Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	44 540	31 800
127	Вульканизация, пайвандлаш, чилангарлик ишларининг барча турлари	33 870	24 520
128	Лабораториялар	27 840	19 820
129	Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	111 820	79 960
130	Хунармандчилик турлари бўйича (ёдгорлик мажмуалари яшаш, мисгарлик, ўймакорлик, рассомчилик, дўппидўзлик, телпак, чўғирма, чопон ва ҳ.к)	32 940	23 850
131	Авиакассалар (шу жумладан темир йўл, автотранспорт ва бошқалар)	61 010	43 790
132	Банкоматлар	557 720	399 390
133	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш	38 970	24 300
134	Аэро туризм	1 740	1 340

Изоҳ: Давлат мулкни ижарага беришда имтиёзлар ва преференциялар қўлланиши қонунчиликда белгиланган тартибларда амалга оширилиши мумкин.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2023 йилдаги "Давлатга тегишли сув ҳавзаларини тадбиркорлик субъектларига "E-auction" электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида" 441-сонли қарорига асосан қўшилган фаолият турлари.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2024 йил 12 февралдаги 75-10-0-Қ/24-сонли қарорига 2-илова

Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 1-Худудий зоналар коэффициенти

Т/р	Шаҳар-туманлар номи	Зоналар	Худудий зоналар коэффициенти
1.	Нурафшон шаҳри Олмалиқ шаҳри Ангрен шаҳри Чирчиқ шаҳри Бекобод шаҳри Янгийўл шаҳри Оҳангарон шаҳри Зангиота тумани Тошкент тумани Қибрай тумани Бўстонлик тумани	1-зона	3,0
2.	Оҳангарон тумани Янгийўл тумани Ўрта Чирчиқ тумани Юқори Чирчиқ тумани	2-зона	2,8
3.	Бекобод тумани Бука тумани Оқўрғон тумани Паркент тумани Пискент тумани Куйи Чирчиқ тумани Чиноз тумани	3-зона	2,6

2-Қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ):

- алоҳида турган бино – 1,5;
 - бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган – 1,0;
 - бинонинг юқори қисмида (чердак, болохона) – 0,7;
 - ертўла (ярим ертўла) – 0,5;
 - бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар – 0,3.
- 3-Тутатиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кх):
- ер майдони ва бинонинг ички ўтиш йўлаклари

мавжуд бўлганда – 0,8;

- ер майдони ва бинонинг ички ўтиш йўлаклари мавжуд бўлмаганда – 0.

4-Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Ко):

- асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда – 0,5;
- иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда – 0,4;
- радио, уяли ва пейжинг алоқа антенналари

ўрнатилганда – 0,5.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:
 $T_c = Эс * K_3 * (K_к + K_х + K_о)$
 бунда:
 Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
 Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2024 йил 12 февралдаги 75-10-0-Қ/24-сонли қарорига 3-илова

Радио, уяли ва пейжинг алоқа антенналари (техник ускуналар) ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланиши тартиби

1 - Бино ва иншоотларнинг юқори қисми, чердак, болохона (шунингдек, давлат мулки бўлган иншоотларнинг юқори қисми) қисмларида ўрнатилганда:

$$T_c = Эс * K_3 * (K_к + K_х + K_о)$$

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
 Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.
 Кз – худудий зона коэффициенти.
 Кқ – 0,7
 Кх – 0,0
 Ко – 0,5

2 - Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларга ўрнатилганда:

$$T_c = Эс * K_3 * (K_к + K_х + K_о)$$

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
 Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.
 (умумий ижара майдони тортиқ қозикларнинг умумий периметри бўйича ҳисобланади.)
 Кз – худудий зона коэффициенти.
 Кқ – 0,0
 Кх – 0,8
 Ко – 0,5

3 - Бино ва иншоотларнинг ички қисмида жойлашган хоналарга техник ускуналар ўрнатилганда:

$$T_c = Эс * K_3 * (K_к + K_х + K_о)$$

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
 Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.
 Кз – худудий зона коэффициенти.
 Кқ – 1,0
 Кх – 0,0
 Ко – 0,5

Яқинда ижтимоий тармоқларда ёш қизчанинг бўйига тақинчоқ тақишадиган видео тарқалиб, кўп шов-шувларга сабаб бўлди. Айтилишича, тақинчоқ таққан аёл тахминан 7-синф ўқувчиси бўлган қизчанинг

қабул қилиниши ачинарли. Қизлар ҳам ота-онаси раъйига қарши боролмай, бу ҳолатга қўнишяпти. Муҳит шундай бўлган, бечора қиз нима қилсин? Негадир, аксар ота-оналар қиз

ёр бўлмоғи зарур. Бугун турмуш қураётган кўп ёшларни кузатаман. Айримларида на ҳаёт ҳақида, на оила ҳақида тушунча бор. Йигитлар уйланиш керак бўлгани учунгина, қизлар эса ота-онаси раъйини қайтаролмай

ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИЙДАН ТАШҚАРИМИ?

бўлажак қайнонаси эмиш. Ўғлига қизни унаштириб "белги" қилиб кетганмиш. Бу видео танқидларга сабаб бўлди. Ҳатто юқори ташкилотлар аралашуви ҳақида ҳам эшитдик. Суриштирувлар натижасида қизнинг ота-онаси бу туғилган кунга совға эди, деган ваҳми кўрсатишгани ҳақидаги хабарлар ҳам ёйилиб, яна шов-шув кўтарилди. Ота-она қонуний жавобгарликдан қочиб, шу сабабни кўрсатган эмиш. Видеода қиз таъзим қилганмиш ва ҳоказо, ва ҳоказо... Нима бўлганда ҳам одамни уйлантирадиган ҳолат.

Бу бир кўриниш. Аммо, бундай ҳолатлар борлиги ҳақида ҳаммамиз биламиз, кўрамыз, эшитамиз. Ёки ҳали ҳам эрта турмушга бериш ҳолатлари, қизларнинг мактабни битириши билан тўйини қилишга шовшаётганлар борлиги сир эмас. Айниқса, қишлоқ жойларда бундай ҳолатнинг оддий (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ларининг таълим-тарбия олишига унча эътибор беришмайди. "Чиққан қиз чийдан ташқари", "Қиз бола тобут кўтармайди" каби алмосқодан қолган фикрлар билан неча-неча қизларнинг орзулари рўёбга чиқмай, оила, рўзгор деган ҳаётнинг юқини бўйни-ларига илганининг гувоҳи бўлганмиш.

Аслида, миллат ривожини ва тарраққибети учун қизларни энг замонавий билимлар билан ўқитмоқ, уларга таълим бермоқ лозим. Чунки, миллат болаларининг тарбия-чиси айнан оналардир.

Қиз бола учун муҳими оила, деган ваҳ билан ўзимизни ову-тамиз. Бунга шубҳа йўқ. Мусулмон эркак учун ҳам, аёл учун ҳам оила муқаддас. Ниҳоят бениҳоя ижобий ўзгаришларга сабабчи ва турли фитналардан сақловчидир. Лекин, эр ҳам, аёл ҳам оиланинг муқаддаслигини англамоғи, оила кўрмоққа жисмонан ва руҳан тай-

тўйга рози бўлаётгандек. Тўйдан кейин кўникиб яшайверишадими, дейишадими.

Ижтимоий тармоқларда аёлларга ўтказилган қийноқ, босим, тазйиқлар ҳақида ҳам эшитиб қоламиз. Руҳий босимга тушиб қолган аёлнинг ҳаётга бўлган



муҳаббати сўнади, ҳамма нарсага бе-парво бўлиб қолади. Ҳатто ўз жонига қасд қилишгача боради.

Ўз аёлига зуғум қилаётган эрлар ҳам йўқ эмас. Аламзада эр хотинини сава-лаб, алампидан чиққандек бўлади. Нега аламзада деяпман? Ўзидан қўниқан, жамиятда ўз ўрни бор эркак ҳеч қачон мазлумага қўл кўтармайди. Бир ожизгага куч ишлатган билаги зўрни нима деб таърифлаш мумкин?

Яна бир гап. Ёш қиз келин бўлиб тушган хонадон муҳитига ўрганишга анча вақт керак. Ёш келин жуда катта руҳий босимни ўтказиши керак. Зикрилла МАМАТОВ

келади. Айнан шу даврда биринчи фарзанд туғилади. Асабий она ва мурғак бола. Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Шунинг учун қизлар сал улғайиб, ўқиб, ўрганиб, яхши-ёмоннинг фарқига бориб оила қурганлари маъқулмикан...

Муҳтасар айтганда, жамиятимиз ва юртимизни ҳар томонлама ривож-лантириш учун қиз болаларни ўқи-тиш ва касб-хунарга ўргатиш зарур. Эеро, хотин-қизлари илмий миллат-нинг келажаги порлоқ бўлади.

Шундай экан, Президентимиз та-шаббусини кечиктириб бўлмас бон-дея қабул қилиб, ҳаммамиз бу ғоя-нинг мазмунини теранроқ англамоғи-миз керак.



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentская pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAQHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 19.30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-235.

2 503 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati" tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.


"SHARQ" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Georgiy DANELIYA
Jaloliddin SAFOEV tarjimasi
1 2 3 4 5 6

Яхши хабар "ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ" ЭНДИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб "Дунёнинг ишлари" асарини инглиз тилида нашр этилиши арафасида.



Бу ҳақда Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини ҳам инглиз тилига ўйрган таржимон Марк Риз маълум қилди.

Таржимоннинг ёзишича, китоб жорий йилнинг 31 март санасидан бошлаб чоп этилади. Таржима асарини Нью-Йорк метросида реклама қилиш режалаштирилган. Китоб тақдими эса апрель ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтади.

Риз постиди ўзи билан бирга асар таржимасига меҳнати сингган ижодкорларни ҳам эслаб ўтган. Унга кўра, рўйхатдан расом – Дилдора Шомуродова, муҳаррирлар – Жон Кампион, Гулноза Исмоилова, Мунира Норова, Жаҳонгир Азимов ҳамда таржимон – Абдулло Рўзиев ўрин олган.

Машҳурлар кулгуси ИМЗО БОР, АММО ХАТ ЙЎҚ...

Кунларнинг бирида америкалик машҳур ёзувчи Марк Твенга хат келади ва мактуб бор-йўғи бир сўздан иборат эди: "Чўчка".

Ёзувчининг жавоби сал кенгроқ бўлади: "Одатда имзосиз хатлар оламан. Кеча эса биринчи марта имзоси бор, аммо хати йўқ мактуб олдим".

Телевидение муҳаррири Герман Орлов кўнгиноқ қилиб, сиз билан бир олигарх танишмоқчи, деди.

– Нима учун?
– Учрашганда сабабини ўзи айтади.
Чоршанба куни «Кура» ресторанида учрашадиган бўлди. Соат иккиларга учрашувга етиб келдим. Ресторанга кириш жойида мени Герман ва семиз, бурни катта, беш нафар

Кўзгудаги ўзимиз

Ижтимоий тармоқларда ҳокимларнинг сайёр қабулларини кузатар эканман, беихтиёр Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовнинг Саид Аҳмад интермедиясидаги совчи образи ёдимга тушади. Сабаби, баъзан бундай қабулларда ҳокимдан сўралмаган нарсанинг ўзи қолмайди.

Шундай қабуллардан бирида инсофдан бўлак ҳамма нарса сўралди. Ҳатто, туғилмаган фарзанд учун бешик ҳам.

Мурожаатчи:
– Ҳамшира бўлиб ишга кирмоқчи эдим, пул талаб қилишяпти.

Ҳоким:
– Шикоят ёзинг, кўриб чиқишади. Лекин буйруқ бериб, ҳамшираликка жойлаштириб қўя олмайман.

Мурожаатчи:
– Собиж эримдан уч йилдан бери алимент пулларини ундиролмайман!

Ҳоким томонидан Мажбурий ижро бюроси масъулларига ҳолатни ўрганиб, алимент пулларини ундириб бериш топширилди.

Мурожаатчи давом этади:
– Кредитимни ёпишда ёрдам беринг. Дадам ҳам инсульт бўлган, унга қарашиш керак...

– Агар тўхтамасангиз, мен ҳам инсульт бўламан, – дейди ҳоким.

– Инсоф дегани борми, барака топкур?!
Яна бир фуқаро қабулга ногиронлар аравачасидаги отаси билан келган. Отаҳон ҳам кичигидан бошлаб, кейин мақсадини айтди. Оз эмас, кўп эмас, ҳокимдан ўғли учун биттагина "Cobalt" олишда ёрдам беришини сўради. "Мени олиб юради шу машинада", дейди у.


Беихтиёр кўзим унинг орти-

да турган "бечора" ўғилга тушди. Мендан ҳам бақувват экан, деб юбордим. Шу одам уялмай ногирон отасини "байроқ" қилиб келибди. Машинали бўлиб қоламан, деб ўйлагандир-да.

Бу мурожаатни ҳазм қилиб улгурмасингиздан янгиси жаранглайди:

– Ҳомиладорман, яшаш шароитим оғирроқ, туғилажак боламга қоласка ва қаравот олиб берсангиз...

Ҳоким ҳайрон:
– Сенга қарайдиган эр йўқми?
Мурожаатчи бўш келмайди:
– Эрим бор. Ҳокимият ҳам ёрдам бериши керак-ку, ахир?!
Бундай қабулларда одатда,



атлар, жўяли таклифлар билан ёки чинакамга иложсизликдан келган юртдошларимиз ҳам кўп бўлади, албатта. Масалан, қабуллардан бирида фуқаро маҳалласининг 5 километр ички кўчасини асфальт қилиб беришини сўради ва вазиятнинг оғирлигини аниқ-равшан асослаб берди. Яна кимдир маҳалласида

дини ўртага қўйиб, ҳокимдан нима-нидир тама қилади...

Хуллас, ер юзиде сақиз миллиард одам яшаса, улар бир-бирига икки томчи сувдек ўхшамагани каби, фелъ-атворлар, талаб ва истаклар, уят ва андиша борасида ҳам улар турличадир...

Асқар БАРОТОВ

театр билим юртига ўқишга киришини айтди.
– Қизим жуда иқтидорли, бадий гимнастика билан шуғулланган, шёри чиroyли ўқийди, гитара чалишни билади, кўшиқ

куйлайди, теннис ўйнайди, – деди олигарх.
Сўнг қизининг суратини кўрсатди. Қиз чиройли эмасди. Мен: "Балким Настя-биринчи" ролига олсаммикан, деб ўйлаб қолдим. Ҳеч нарса ваъда бермасамда:

– Майли, келиб менга учрашсин, гаплашиб кўраман, – дедим.

– Сен билан учрашувга жиддий тайёргарлик кўриши учун сценарийни ўқишга берсанг яхши бўларди, – деди Герман.

Сценарийни ўзим билан олиб юргандим. Уни олигархни қўлига тутқазар эканман:
– Қизингиз "Настя-биринчи" ролига эътибор қаратсин, – дедим.
Орадан уч кун ўтиб Герман кўни-

рози бўларкан! Ва яна, костюмларни қизининг ўзи танлайди, гримерни ҳам ўзиникини олиб келади, суратта олиш майдончасида кондиционер ва души бўлган махсус вагон қўйилиши шарт. Қўшимча харажатларни унинг ўзи тўлайди.

– Бойнинг қизига етказинг: афсуски "Настя-иккинчи" ролига биз актриса танлаб, у билан шартнома тузиб қўйганмиз, – деб ёлғонладим.

– Аттанг, қиз онасига эмас, отасига ўхшайди. Онаси жуда қўхлик аёл. Балким онасини фильмга таклиф қиларсан? У ёшига нисбатан анча навқирон кўринади, – деди Герман.

– Уларнинг бувиси йўқмикан? Менга жодугар ролига қари кампир керак.

– Кекса кампир бор, аммо унга олигарх бир тийин ҳам бермайди, чунки – бу кампир унинг қайнонаси.

Георгий ДАНИЕЛИЯ
Жалолiddин САФОВ таржимаси

ОЛИГАРХНИНГ ҚИЗИ

